

ТАХРИРИЯТДАН

“Янги Ўзбекистон”: улкан мақсад ва вазифалар

Муҳтарам ўқувчи!
Мана, сиз билан “Янги Ўзбекистон” газетасининг илк сони орқали дийдорлашиб турибмиз. Кўнглингизда “Нима учун бу нашр айнан “Янги Ўзбекистон” деб номланди?” деган савол турғилиши мумкин. Гап шундаки, кейинги уч йилда юртимизда барча соҳаларда оламшумул ислохотлар амалга оширилмоқда. Аввало, халқ давлатга эмас, давлат идораларини халққа хизмат қилиши тамойили ҳаётга жорий этилди. Инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди.
Дунё бизга, биз дунёга ўз эшикларимизни очдик. Кенгроқ маънода айтганда, бугун Ўзбекистон тобора янги қиёфа касб этиб бормоқда. Бизнинг нашримиз ҳам ана шу янги давр, янги замон, янги тафаккурга асосланган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ҳолис, ҳаққоний, содда ва самимий йўсинда етказиш йўлидаги

саъй-ҳаракатлар натижаси сифатида юзага келди, десак адашмаган бўламиз.
Муҳтарам Президентимиз кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида “Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди”, дея алоҳида таъкидлабди.
“Янги Ўзбекистон” газетаси ҳам энг аввало, айнан ана шу имкониятлар ҳосиласидир!
Газетамиз мамлакатимиздаги барча соҳалар, айниқса ижро ҳокимиятининг турли бўғинларида кечаётган ўзгариш ва янгиликларни тезкорлик билан ўқувчиларга етказиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

соҳалардаги қайноқ жараёнларни таҳлилий асосда ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.
Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт биздан ҳар жабҳада дадил ҳаракат қилиш ва фаол ташаббусларни кўтариб чиқишни талаб этмоқда. Ижодий жамоамиз эл-юртимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмағирлик, коррупция каби иллатларга қарши олиб борилаётган мурасасиз курашда ўз ҳиссасини қўшишни фаолиятининг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблайди.
Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Давлат томонидан ахборот майдонини кенгайтириш, соҳа ижодкорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-

минлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари, сўз эркинлигига доир унга яқин қонун қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Айни пайтда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари самарали фаолият кўрсатяпти.
Айниқса, бугун тезкор ахборот воситаси бўлмиш интернет ҳаётига мизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз ҳам тахририят фаолиятига замонвий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш бўйича катта мақсад ва режаларни белгилаб олганмиз. Халқимиз билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида тахририятнинг электрон ахборот порталини ташкил этиш, ижодкор сифатида ҳамisha эл кезиб, юртдошларимизнинг қувончу ташвишларини улар билан бирга баҳам кўриш, кўнглида кечаётган ўй-фикрларини газетамиз саҳифаларига олиб чиқишни ниёт қилганмиз.
Жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналарида аҳоли томонидан кўтарилган ҳал

этиш борасида қилинаётган ишлар, жамиятимизда танқид ва ўз-ўзини танқид руҳини кучайтириш, шунингдек, вазирлик ва кўмиталар, агентликлар ҳамда бошқа турли идоралар раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар ташкил этишга эътибор қаратамиз. Жойларда ҳокимликлар ва аҳоли ўртасида ўтказилаётган мулоқотларда тилга олинган долзарб муаммоларни ечиш бўйича қилинаётган ишларни мунтазам ёритиб борамиз.
Бир сўз билан айтганда, халқ билан мулоқот, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда “Янги Ўзбекистон” газетасини бу борада чинакам мулоқот майдонига, эркин сўз ва фикр минбарига айлантириш учун бор имконият ва салоҳиятимизни сафбарга этамиз.
Албатта, бу борадаги барча изланиш ва саъй-ҳаракатларимизга асосий ва ҳолис баҳони сиз — азиз муштарийлар беришингизни ҳам яхши англаб турибмиз. Бу эса бизга катта масъулият билан бирга, кучқувват, ижодий ғайрат бағишлайди.
“Янги Ўзбекистон” барчамизга муборақ бўлсин!

Қалби ва руҳи муштарак халқлар



Ўзбек ва япон халқларини кўп асрлик маънавий ришталар, ўхшаш фазилат ва одатлар бир-бирига боғлаб туради. Бундай яқинлик икки миллат ҳаётида ҳам миллий қадрият даражасига кўтарилган меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, миллий гуруҳ, ватанга муҳаббат, урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, аждодлар хотирасига, оилга садоқат, ёши улғур инсонларга, ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш каби олижаноб фазилатларда яққол намоён бўлади.

Халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда икки давлат муносабатларида ҳам акс этатгани қувонарлидир.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 17-20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифи янги даврни бошлаб берган тарихий воқеа бўлди. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги bosқичга кўтариб, ҳамкорликнинг янада кенг уфқларини очиб бергани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ана шу ташриф тафсилотлари, япон заминда бўлиб ўтган самимий учрашувлар, эришилган ўзаро манфаатли келишувлар, бир сўз билан айтганда, ташрифнинг энг муҳим натижалари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан яқинда chop этилган «Ўзбекистон — Япония: янги стратегик ҳамкорлик сари» китоб-альбомида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Япония Бош вазир Синдзо Абэнинг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари ҳақидаги дил сузлари билан бошланган китоб-альбомда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар янги bosқичга кўтарилганига алоҳида урғу берилиб, бу жараёнинг маъно-маъмуни, узига ҳос хусусиятлари бой таҳлилий материаллар, фотолавҳалар, таниқли ўзбек ва япон экспертлари, сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг фикрлари асосида оқиб берилди.

Ўзбек ва япон халқларининг тарихи, бугунги тараққиёти, келгуси ривожланиш истиқболлари, дўстона алоқаларига оид қизиқарли шарҳлар ҳам мазкур нашрдан алоҳида ўрин эгаллади.

Китоб-альбомнинг «Замонавий Япония» деб номланган дастлабки бўлимида бугунги Япониянинг мислсиз замонавий тараққиёти ҳақида, «Япон мўъжизаси» деб аталган ноёб ҳодиса тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Иккинчи бўлим бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи тафсилотларига бағишланган бўлиб, унда бу тарихий ташрифнинг энг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Китоб-альбомнинг «Ўзбек — Япон алоқаларининг тарихига назар», «Икки халқ ўртасидаги маданий-гуманитар мулоқот», «Ташриф якулари оммавий ахборот воситалари нигоҳида» деб номланган боблари ҳам ўзининг таҳлилий руҳи, чуқур ва бой материаллари, ҳаётий далиллари билан ажралиб туради.



Наргиза УМАРОВА

Мамлакат доимий ҳаракатдаги улкан механизмга ўхшайди. У тўхтовсиз, тўғри ва самарали ишлаши учун давлат янги интеллектуал қатламга эҳтиёж сезади. Ўзбекистон шароитида ёшлар ана шундай ресурс сифатида кўрилмақда. Шу ўринда юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлардан иборат эканига эътибор қаратиш керак. Бундай салоҳият, бир ҳисобдан, мамлакат фойдасига хизмат қилади. Чунончи, ишчи кучи тақчиллиги кузатилмайди, турли соҳаларни кадрлар билан таъминлаш жараёни жадал кечадди, жамиятда узлуксиз равишда янги гоғлар алмашинуви юз беради.

Бошқа томондан, ёшлардаги илму иқтидор, жисмоний ва маънавий қувват эзгу мақсадларга йўналтирилмас экан, у турли деструктив кучлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Айрим Африка мамлакатлари ҳамда Яқин Шарқ минтақасида рўй берган талотўплар фикримизни тасдиқлайди. Жаҳон таърихидан маълумки, ёшларни ислохотлар жараёнининг марказий объектига айлантириш бу каби хатарларни бартараф этишга имкон беради. Ўзбекистон худди шу йўлдан бормоқда.

Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати йигирма саккиз йилдан буён амалда. Бу чакана давр эмас. Соҳага доир асосий қонун 1991 йилнинг 21 ноябрида кучга кирган эди. 2016 йилда у янги тахрирда — мазмунан бойитилган ҳолда қабул қилинди. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ўз моҳиятига кўра янги Ўзбекистоннинг ёшлар масаласига ёндашувини ифода этади. Давлат улғайётган авлоднинг ижтимоийлашуви, илмий, ижодий ва бошқа йўналишларда ўз салоҳиятини намоён этиши учун шароит яратишни ўзининг принципиал вазифаси, деб ҳисоблайди.

Ўтган даврни таҳлил этсак, ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги вазифалар кўлами йилдан-йилга кенгайганини кўриш мумкин. Эндиликда давлатимиз ёшларга гоғияй ва ижтимоий ориентирлар бериш, уларни тадбиркорликка ўргатиш, ўй-жой билан таъминлаш, замонавий касб-кор эгаллаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, китобга ошми эътибор, ахборот технологияларига қизиқтириш, мафқуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликдан қайтаришга интилмақда. Бундай мақсадли фаолият бюджетдан молиялаштирилаётган турли ижтимоий ташаббуслар, лойиҳа ва акциялар, волонтерлик ҳаракатлари

да ўттизга яқин тузилма, шу жумладан, катта молиявий капиталга эга “Ёшлар — келажакимиз” жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Лекин қозғоғдай рақамлар деярли ҳеч нарсаини англамайди. Иттифоқ ёшлар қалбига қанчалик йўл топа олаётгани, уларнинг талаб ва истакларини қондираётгани, муаммолари ечимига камарбаста бўлаётгани ҳаммасидан ҳам муҳимдир. Ҳозирча ташкилот фаолиятига “беш” баҳо қўйишга шошилмаймиз. Аммо эътирофга лойиқ жиҳатларни барибир қайд этишга тўғри келади.

Яна 2017 йилга қайтамыз. Қурултойдаги нутқда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни етказиб берадиган “социал лифт” вазифасини бажариши кераклигини алоҳида қайд этганди. Бундай позиция тушунарли — туб бурилишлар жараёнини бошидан кечираётган мамлакатга ёш, салоҳиятли бошқарувчилар сув ва хаводек зарур. Келажак ҳақида ўйлаш ҳам ортқиқалик қилмайди. Ахир, эртани-кечми бугунги сиёсий элита жойини янгишига бўшашиб беради. Янги “қон” эса ислохотларга хайрихоҳ бўлгани маъқул, албатта.

Ўзбекистонга шашти баланд ёшлар керак!

кўринишида намоён бўлмақда. Айниқса, охириги уч йил мобайнида қилинган ишлар ёшлар сиёсати давлат учун том маънода стратегик масала даражасига кўтарилганидан далолат бериб туради.

Давлат раҳбарининг ёш авлоддан умиди катта. Ёшлар ўзини етакчи куч, салоҳиятли кадр, ҳақиқий новатор сифатида намоён этиши, илмий, ижодий иқтидорини тўлақонли рўёбга чиқариши, ислохотлар жараёнида бевосита иштирок этиши, юрт қорига камарбаста бўлиши учун Президентнинг шахсан ўзи барча шароитларни яратиб берапти. 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилиши замирида ҳам кўп гап бор аслида.

Президент замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжимизга айланishi зарурлигини таъкидлади. Бу эса миллат тақдирини, мамлакат келажигига бевосита дахлдор масала. Бундай залворли миссияни табиатан катта куч ва салоҳиятга эга ёшларгина адо эта олади.

2017 йил 30 июнь кунги Тошкентда бўлиб ўтган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Президент ёшлар сиёсатининг амалдаги ҳолатини танқидий баҳолаб, куйидаги фикрни билдирганди: “Дунёдаги ривожланган, демократик мамлакатларда ёшлар ташкилотлари дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган ҳаётий муаммоларни ҳал этишга асосий эътиборни қаратади”. Шу нуқтаи назардан мамлакат раҳбари Ўзбекистон ёшлар иттифоқини тузишни тақлиф этди.

Орадан уч йил ўтди. Адолат юзасидан айтиш керак, Ёшлар иттифоқи хали ҳам мамлакатимиз ёшларининг чинакам сунъичи ва таянчи бўла олгани йўқ.

Тўғри, бугунги кунда ташкилотга аввалгидек 4 миллион эъос, балки 7 миллиондан зиёд йигит-қиз аъзо. Бошланғич ташкилотлар сони ҳам сезиларли равишда ошган. Иттифоқ қоши-

биноан туман ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари, агрокластерлар ҳамда агрофирмаларни ташкил этиш ишлари бошланган. Бундай ташаббуслар ёш тадбиркорларга бино ва иншоотлардан ижара тўловисиз фойдаланиш, гаров таъминоти бўйича ёрдам олиш каби қатор енгилликлар тақдим этаётгани билан аҳамиятлидир.

Ҳаётга реал қарайлик, аҳоли таркибида ёшлар салмоқини улушини эгаллаган бугунги Ўзбекистон шароитида мактаб ёки олий ўқув юртли битирувчиларнинг ҳаммасига ҳам иш топилмаслиги мумкин. Муаммони хусусий секторни ривожлантириш, яъни ёшларни тадбиркор қатламга айлантириш ҳисобига ҳал этса бўлади. Амалда мана шу классик тактика қўлланилмақда.

Ва ниҳоят, маънавият мавзусига етиб келдик. Бу масала давлатимизга ҳеч қачон тинчлик бермаган. Бермайди ҳам! Сабаби, маънавий бирликлар миллат барҳаётлигининг индикатори ҳисобланади. Таълим-тарбия ҳам, ахлоқ-одоб ҳам, онг-тафаккур, дунёқараш ҳам — ҳаммаси шунинг ичида. Ақалли биронтасида бўшлиқ пайдо бўлдики, бас, тараққиёт тўхтади. Ахир, бой берилган вақтни орқага қайтариш, “йўқотилган авлод”ни эса қайта тарбиялашнинг иложи йўқ.

Афсуски, инсониятнинг келажиги ҳақидаги прогнозлар анчайин хавотирли. Интернет бўҳрони минг йиллар давомида шаклланган аънавий қадриятлар тизимини издан чиқармоқда. Асосий зарба, турган гапки, ёшларга қаратилган. Юртимиз қорақўзлари ҳам бундан истисно эмас.

Ўзбекистон дунёга очик мамлакат бўлгани учун ёш авлод вакиллари ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш ўта долзарб бўлиб турибди. Бу борада қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Акс ҳолда, мамлакатнинг стратегик ресурси ташқи кучлар ихтиёрига ўтиши мумкин.

Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Мазкур концепция қисқа муддатда умуммиллий ҳаракатга айланиб кетгани кўп нарсадан далолат беради. Демак, Президентнинг миллат келажиги ҳақидаги қайғуриши одамлар қалбида екс-садо бермоқда.

Бешта муҳим ташаббус ёшларни санъатга қизиқтириб, истеъдодини юзага чиқариш; жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш; компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш; китобхонлиқни тарғиб этиш; хотин-қизларни иш билан таъминлашни ўз ичига қамраб олади.

Бундан кўриниб турибдики, мазкур мақсад-вазифалар ёшлар ташкилотига эмас, балки ижтимоий сектордаги барча вазирлик ва идораларни, ҳоким амалдорларни тер тўкиб ишлашга, фарзандларимиз тақдирини ва истиқболни учун масъулиятни бирдай ҳис қилишга ундайди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар муаммоларини билан яшаш барча даражадаги раҳбарларнинг бирламчи вазифасидир, деган фикрни қайта-қайта такрорлайди. Мазкур оҳанг давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрь кунги Муҳаммад Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган навбатдаги мулоқоти чоғида ҳам сезилиб турди.

Президент ўқувчию талабалар, ёш ишчи-ҳодимларнинг фикрлари, тақлиф ва мулоҳазаларини диққат билан тинглади. Кўтарилган ҳар бир масала юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Бир қарашда, бу расмий таомилга ҳос одатий жараён бўлиб туялар. Бироқ сизу бизга бошқа жиҳати қизиқ — бундай учрашувлар шунчаки дийдорлашув учун ўтказилаётгани йўқ. Ёшлар томон ташланган ҳар бир қадам давлатнинг оддий халқ билан мулоқотида конструктив руҳ бағишламоқда. Бугун давлат одамларга қўруқ ваъдалар бериш, қўйини пуч ёнқок билан тўлдирилган манфаатдор эмас. Олдинда бизни кўйдан-кўйд довоналар кутиб турибди. Улардан ошиб ўтиш учун Ўзбекистонга азму шижолати, кўзи ёниб турган, шашти биланд ёшлар керак.